

**«Кўқонспирт» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг
2013 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И**

Кўқон шаҳри

2014 йил 05 июнь

ҚАТНАШДИЛАР:

- **Джафарова Зухра Насировна** – «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси технология талаблари ва маҳсулот сифатига риоя этилишини назорат қилиш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари. З.Н.Джафаровага «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.О.Абдуллаев томонидан 2014 йил «04» июнь куни берилган №01/05-1-сонли ишончномага асосан «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши акцияларини 5 165 123 дона ёки Устав фондининг 51% акциялари бўйича овоз бериш 4 760 015 дона акциялар пакети, ёки 47% жойлаштирилмаган чет эл инвесторлар улуши Ўзбекистон Республикаси «Давлат активларини бошқариш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 24 июлдаги №084-сонли тузилган ишончли бошқарув шартномасига асосан Давруков Фахриддин Умаровичга ишончли бошқарувга топширилган.

- Бошқа акциядорлар, жамиятни овозга эга акцияларини 19230 донасига эга, бу жами овозга эга акцияларни 0,19 фоизни ташкил этади.

- Жамият кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, жамият коллегиял ижро органи аъзолари ва таклиф этилган меҳмонлар.

Йиғилиш раиси: **Умаров Абдукарим Суратович** – «Кўқонспирт» ОАЖ кузатув кенгаши раиси.

Йиғилиш котиби: **Салахитдинова Жамиля Октябровна** – «Кўқонспирт» ОАЖ ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси. .

Биринчи бўлиб «Кўқонспирт» ОАЖ кузатув кенгаши раиси А.С.Умаров бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар ҳақида маълумот беришни сўраб, саноқ комиссияси раиси Д.Ю.Осуповага сўз берди. Ўз навбатида Д.Ю.Осупова «Кўқонспирт» очик акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 10 127 692 дона эканлиги, ундан 9 944 368 дона акция эгалари қатнашаётганлиги бу жамият устав жамғармасининг 98,19 фоизини ташкил этганлиги ва амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш қворуми тўпланганлиги, йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилишни олиб борувчи З.Ф.Акбаров йиғилишни бошлаш мумкинлигини, мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни ишчи президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва саноқ комиссиясини сайлаб олишимиз кераклигини айтиб, акциядорлардан ўз фикрларини сўради.

Акциядорлар томонидан ишчи президиумга қўйидаги номзодлар таклиф этилди:

Йиғилиш Президиуми:

1. Умаров Абдукарим Суратович – «Кўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси, «Ўзспиртсаноат» АК референти;
2. Давруков Фахриддин Умарович – «Кўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши аъзоси, Давлатнинг ишончли вакили;
3. Самигов Хабибулла Абдуллаевич – «Кўқонспирт» ОАЖ бошқаруви раиси;
4. Джафарова Зухра Насировна – «Ўзспиртсаноат» АК вакили.
5. Хайдарова Матлюба Исраиловна – «Кўқонспирт» ОАЖ Назорат ўлчов ускуналари ва автоматика цехи чилангари

Йиғилиш раиси этиб кузатув кенгаш раиси Умаров Абдукарим Суратович номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулохазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини олиб бориш учун котибиятга жамиятнинг ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси Салахитдинова Жамиля Октябровна номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишни олиб боровчи (бошловчи) «Кўқонспирт» ОАЖ инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи З.Ф.Акбаров ишчи президиум аъзоларидан ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва шундан сўнг йиғилиш кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масаларига ўтиб, қуйидагиларни маълум қилди, яъни «Кўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2014 йил 29 апрелда бўлиб ўтган 2013 йил яқунлари бўйича Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган мажлисида акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар, олиб бориш регламенти лойиҳаси ва Санок комиссиясига сайланадиган номзодлар ўрганиб чиқилиб, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун тавсия этилган.

Сўз давомида З.Акбаров йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

Акциядорлар умумий йиғилиши **К У Н Т А Р Т И Б И Д А:**

1. 2013 йил якунига бағишланган «Кўқонспирт» ОАЖ Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш Регламентини тасдиқлаш;

2. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш;

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2013 йилда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

Учинчи масала юзасидан маърузачи – «Кўқонспирт» Кузатув кенгаши раиси Умаров Абдукарим Суратович (10 дақиқа).

4. Жамият бошқарув раисининг 2013 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўртинчи масала юзасидан маърузачи – «Кўқонспирт» ОАЖ бошқарув раиси Самигов Хабибулла Абдуллаевич (10 дақиқа).

5. Жамиятнинг 2013 йил учун тасдиқланган бизнес режасини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

Бешинчи масала юзасидан маърузачи – «Кўқонспирт» ОАЖ режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Абдурасулов Жамол Комилович (10 дақиқа).

6. 2013 йил якуни бўйича, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини, ҳамда соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.

Олтинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ бош ҳисобчиси Зайнетдинов Мадазим Зинатович (10 дақиқа).

7. 2013 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш.

Еттинчи масала юзасидан маърузачи “Косаудитинформ” агентлиги МЧЖ аудитори Хусанов Абдухалим Эгамбердиевич (5 дақиқа).

8. 2013 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Саккизинчи масала юзасидан маърузачи – Тафтиш комиссияси раиси Мирзаев Азиз Валиевич (5 дақиқа).

9. Кузатув кенгаши аъзолари таркибини қайта сайлаш ва уларга бадал тўлаш сметасини тасдиқлаш.

10. Тафтиш комиссия аъзолари таркибини қайта сайлаш ва уларга ҳақ тўлаш сметасини тасдиқлаш.

Тўққизинчи ва ўнинчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ юридик бўлими бошлиғи Сайфиддинов Сирожиддин (5 дақиқадан).

11. Жамиятнинг 2014 йил молиявий – хўжалик фаолиятини текшириш учун жамият Аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.

Ўн биринчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ бош ҳисобчиси Зайнетдинов Мадазим Зинатович (5 дақиқа).

12. Жамият бошқарув раиси номзодини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш.

13. Жамият ижро органи аъзолари таркибини тасдиқлаш ва улар билан меҳнат шартномасини тузиш.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар юзасидан маърузачи - «Қўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси Умаров Абдукарим Сураатович (5 дақиқадан).

14. 2014 йил учун жамият бизнес режасини тасдиқлаш.

Ўн тўртинчи масала юзасида маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Абдурасулов Жамолхон (10 дақиқа).

15. Жамият кузатув кенгаши ва ижро органи аъзоларини 2013 йил якуни бўйича рағбатлантириш.

Ўн бешинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси Умаров Абдукарим Сураатович (5 дақиқа).

16. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қолдирилган қисмларини жамият уставига капитализация қилиш, жамият устав фондини ошириш.

17. Жамиятнинг Устави, ҳамда ички низомларини ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.

18. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига асосан жамият номини ўзгартириш.

Ўн олтинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» ОАЖ инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Акбаров Зафар Фарходович (5 дақиқадан).

19. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

20. Янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш.

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи масалалар юзасидан маърузачи – Фарғона шаҳар «Ишонч ЛТД» МЧЖ директори Қорабоев Одилжон (5 дақиқадан).

21. Акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган 2010 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

Йигирма биринчи масала бўйича маърузачи - «Қўқонспирт» ОАЖ инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими мутахассиси Пирматова Мукамалхон (5 дақиқа).

Ҳар бир масала бўйича музокараларга сўзга чиқувчилар учун 3 дақиқадан вақт ажратиб берилади. Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг Санок комиссияси аъзолари бюллетенларни йиғиб олиши ва овоз бериш натижаларини кўриб чиқиши учун 15 дақиқа таннафус эълон қилинади.

Кун тартибига киритилган масалалар ва регламентни эшиттиргандан сўнг йиғилиш бошловчиси Акциядорларга мурожаат этиб, йиғилиш регламентини очиқ овоз бериш йўли билан, яъни кўл кўтариш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Йиғилиш регламенти йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибининг иккинчи масаласига ўтиб, З.Аkbаров Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган Санок комиссиясини уч кишидан иборат Д.Юсупова, Г.Горячева ва М.Пирматовалар аъзолигида тузилиб, Умумий йиғилиши томонидан тасдиқлашга таклиф киритди.

Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби Умумий йиғилиши томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш бошловчиси З.Аkbаров кун тартибидаги 3-чи масала юзасидан сўзга «Қўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси Абдукарим Сураатович Умаровни таклиф этди.

А.Умаров ўз маърузасида кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йили мобайнида амалга оширилган ишлари ҳақида ҳисобот берди. Кузатув кенгаши ўз ишини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган акциядорлик жамиятининг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги намунавий Низоми асосида, «Қўқонспирт» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланган жамият «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар доирасида ташкил қилди.

2013-ҳисобот йилида Кузатув кенгаши томонидан жами ўн бир мартаба йиғилишлар ўтказилган, шулардан олтитаси навбатдаги, бештаси эса навбатдан ташқари ўтказилган. Корпоратив бошқарув тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Кузатув кенгаши томонидан ҳар чорақда жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи, йиллик бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши, бухгалтерия ҳисоботлари, ички аудит хизмати ҳисоботлари, ҳамда жамият таъсисчилигида ташкил этилган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботлари кўриб чиқилди.

Юқоридагилардан ташқари Кузатув кенгаши томонидан кенгаш раиси ва котибини сайлаш, кенгашининг иш режаси, кузатув кенгаши аъзоларини вазифалар тақсимооти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жамиятга ҳомийлик тўғрисида тушган хатлар ўз вақтида кўрилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва жавоб берилган.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида, зиммаларидаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида жамият фаолиятида фаол иштирок этиб, кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш билан биргаликда, мажлисларга тайёргарлик кўриш, ҳисоботларни тайёрланиши ва бажарилишини назорат қилиш, уни ўрганиш ва тўғри баҳо бериш ва қарор қабул қилиш мақсадида жамият ижро органи, жамият бўлимлари, аудитор ва бухгалтерлар, жамият мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, амалий ёрдам берилган.

Кузатув кенгаши томонидан ижро органининг бизнес режа кўрсаткичлари бўйича кўйган талаблари ва тегишли қарорлари натижасида, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ўтган йилга нисбатан яхшиланди. Ишчи хизматчиларни иш ҳақиларини ўз вақтида берилишига эришилди.

(«ҚЎҚОНСПИРТ» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2013 йилда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича сўз навбати «Қўқонспирт» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Х.Самиговга берилди. Маърузачи ўз сўзида ҳисобот йилида жамият бошқаруви томонидан корхонани иқтисодий салоҳиятини оширишда қурилиш монтаж ишларига, бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий ва энерготехнамкор ускуналар билан модернизация қилиш, ҳамда ҳукуматимиз томонидан белгиланган ижтимоий – иқтисодий дастурни амалга оширишда жорий йилда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди.

Сўз давомида Х.Самигов «Қўқонспирт» очик акциядорлик жамияти молиявий-иқтисодий аҳволи йилдан йилга ижобий томонга ўсиб бораётганлигини ва корхонамиз барқарор ишлаб турган корхоналардан бўлганлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ҳудуднинг ялпи маҳсулотига таъсири сезиларли даражада катта бўлганлигини, ва шу билан бирга аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаганлигини сўзлаб берди.

(Жамият бошқаруви раисининг 2014 йил якуни бўйича таҳлилий ҳисоботи илова қилинади).

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича сўз навбати жамият режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Ж.Абдурасуловга берилди.

Маърузачи ўз сўзида жамиятнинг 2013 йил учун бизнес режада белгиланган техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳамда ҳақиқатда юз берган кўрсаткичларни

йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди. Шу жумладан 2013 йилда 76 080,9 млн. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 86 082,2 млн. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган, таққослама нархларда ҳисоб-китоб қилинганда 79 950,9 млн. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 2012 йилда эса 65 456,8 млн. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган, яъни 2013 йил кўрсаткичларининг 2012 йилни мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоизни ташкил этди. 2013 йилда 2 735,0 минг дал спирт маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 2 817,2 минг дал спирт маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 2012 йилда 2 735,9 минг дал спирт маҳсулоти ишлаб чиқарилган, ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил этади.

(«ҚЎҚОНСПИРТ» ОАЖнинг 2013 йил учун тасдиқланган бизнес режасини бажарилиши бўйича ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича сўз навбати жамият бош ҳисобчиси М.Зайнетдиновга берилди.

Маърузачи ўз сўзида 2013 йил давомида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлида барча зарурий ишлар амалга оширилганлиги ва бунинг натижасида иқтисодий аҳвол бир мунча яхшиланганлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларига иқтисодий кўрсаткичлар билан таништириб, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тўлиқ ўқиб эшиттирди.

(«ҚЎҚОНСПИРТ» ОАЖ бош ҳисобчи М.Зайнетдиновнинг 2013 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича сўз навбати “Консаудитинформ” агентлиги аудитори Хусанов Абдухалим Эгамбердиевичга берилди.

А.Хусанов ўз сўзида, жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича аудиторлик текшируви «Консаудитинформт» агентлиги МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан амалга оширилганлигини, шунингдек аудиторлик текшируви АФМАга мувофиқ ўтказилганлиги, «Қўқонспирт» очиқ акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттирилганлиги ҳамда ижобий аудиторлик хулосаси берилганлигини таъкидлаб, аудиторлик ташкилоти томонидан 2014 йил 1 мартдаги берилган аудиторлик хулосасини ўқиб эшиттирди.

(Аудиторлик хулосаси илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси А.Мирзаев сўзга чиқди.

А.Мирзаев ўз сўзида Тафтиш комиссияси томонидан жамият молиявий-хўжалик фаолияти мунтазам равишда тафтиш қилиниб ўрганиб борилганлиги ва тафтиш натижалари бўйича йил давомида бошқарув органига тегишли кўрсатмалар берилганлиги тўғрисида айтиб, 2013 йил натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди.

(«ҚЎҚОНСПИРТ» ОАЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги тўққизинчи масаласи бўйича сўз навбати жамият ҳуқуқшуноси Сайфуддинов Сирожиддинга берилди.

Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан Кузатув кенгаши аъзолари таркиби, ҳамда жамият Тафтиш комиссияси аъзолари таркиби бир йил муддатга сайланишини, сайланган номзодлар йил якуни натижалари бўйича қайта

сайланиши мумкинлигини йиғилиш қатнашчиларига эслатиб ўтди. Ушбу қонунга биноан жамият Низом фондидаги жами 1 фоиздан ошиқ акцияларга эга бўлган акциядорлар жамият молиявий йили тугаши билан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар кузатув кенгашига мурожаат этиб, йиллик якуний умумий йиғилишида сайланадиган номзодларни таклиф қилишлари мумкинлигини ҳам эслатиб ўтди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг 2014 йил 29 январдаги №01/05-14 сонли хатида компания томонидан куйидаги номзодлар кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган:

- Джафарова Зухра Насировна – “Ўзспиртсаноат” АК технология талаблари, ва маҳсулот сифатига риоя этилишини назорат қилиш, янги технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;
- Прошурина Юлия Анатольевна – “Ўзспиртсаноат” АК молия иқтисод бўлими бошлиғи, бош бухгалтер в.в.б.;
- Маматкулов Шодиёр Абдувоҳидович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва нарх бўлими бошлиғи ўринбосари;
- Умаров Абдукарим Суратович – “Ўзспиртсаноат” АК референти.

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат активларини бошқариш марказининг 2014 йил 30 январдаги 01/06-98-сонли хатига асосан, кузатув кенгаши аъзолигига куйидаги номзодлар тавсия этилган:

- Давруков Фахриддин Умарович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сектор мудир;
- Абдуллаев Шавкат Турушович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлими бошлиғи;
- Сагтаров Тўлқин Абдихалилович – Давлат активларини бошқариш марказининг корхоналар билан корпоратив ишлар бўлими бошлиғи;
- Юсупходжаев Асил Агзамович – Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси бош директорининг биринчи ўринбосари в.в.б.;
- Артиқов Зухриддин Шарофиддинович – Фарғона вилоят рақобат бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу номзодлар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш учун овоз бюллетенларига киритилиши белгиланган.

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясининг 2013 йил 22 майдаги №02-02-14-43-сонли йиғилиш қарорига мувофиқ «Қўқонспирт» ОАЖдаги давлат акциялари пакетини ишончли бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакили этиб Давруков Фахриддин Умарович тайинланганлиги сабабли ҳамда у билан 11.06.2013 йилда №3197-сонли тузилган ишончли бошқарув шартномасига асосан, Кузатув кенгаши таркибига Давлатнинг ишончли вакили сифатида сайловсиз тайинланишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек С.Сайфиддинов йиғилиш иштирокчиларни Кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар тўғрисида маълумотлар бериб, акциядорлар ҳар бир номзод бўйича ўз фикрини овоз бериш бюллетенларида кумулятив овоз бериш йўли билан билдиришлари мумкинлигини эслатиб ўтди.

Сўз давомида С.Сайфиддинов Кузатув кенгаши раисига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида бадал тўлови сметасини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги ўнинчи масаласи бўйича сўзни С.Сайфиддинов давом эттириб, жамият Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун бюллетенларга киритиш учун қўйидаги номзодлар кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди:

«Ўзспиртсаноат» АК томонидан:

- Холлиева Дилафруз – «Ўзспиртсаноат» АК маркетинг ва спирт саноати Арслановна корхоналарини ривожлантириш истикболлари бўлими етакчи мутахассиси

Давлат активларини бошқариш Маркази томонидан қўйидаги номзодлар:

- Қурбоналиев Санжар – Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат Сабриддинович кўмитасининг етакчи мутахассиси;
- Фармонов Бахтиёр – Фарғона вилоят рақобат бошқармасининг бўлим Баходирович бошлиғи;
- Умаров Сарвар – Давлат активларини бошқариш марказининг Хайдарович корхоналар билан корпоратив ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари

Тавсия этилган номзодлардан Тафтиш комиссияси аъзолигига фақат учта номзод сайланиш мумкинлигини эслатиб, С.Сайфиддинов акциядорлардан юкорида кўрсатиб ўтилган номзодлар бўйича ўз фикрларини овоз бериш бюллетенларда акс эттиришларини, ҳамда Тафтиш комиссия аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2014 йил якуни бўйича уларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметасини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича сўз навбати жамият бош ҳисобчиси М.Зайнетдиновга берилди.

М.Зайнетдинов йиғилиш иштирокчиларига қўйидагиларни маълум қилди, яъни 2014 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилотини танлаш учун жамиятимизга бешта қўйидаги аудиторлик ташкилотларидан - «**Audit Income**» МЧЖ, «**HLB Tashkent**» МЧЖ, «**Buxgalter Audit**» МЧЖ, «**KonsauditInform**» Agentligi МЧЖ ва «**Magnit Finans**» МЧЖлардан берилган тижорат таклифлари 2014 йил 29 апрелдаги Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилди ва натижада умумий йиғилишда 2014 йилда жамиятни ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун «**Audit Income**» МЧЖ ва «**Konsauditinform**» агентлиги МЧЖ аудиторлик корхоналари тавсия қилинганлигини йиғилганларга баён қилди ҳамда аудиторлик корхоналари ҳақида маълумот берди.

Аудиторлик ташкилотлари бўйича берилган маълумотлардан сўнг, М.Зайнетдинов акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчиларига «**Кўконспирт**» ОАЖнинг 2014 йил учун жамият ташқи аудиторлигига «**Konsauditinform**» агентлиги МЧЖ ва «**Audit Income**» МЧЖ лардан бирига овоз беришни ва танланган ташкилотга тўланадиган хизмат ҳақини **30,0 (ўттиз) млн.** сўм миқдорида тасдиқлаш таклифини киритди.

(11 масала юзасидан М.Зайнетдиновнинг маърузаси илова қилинади).

Йиғилиш раиси А.С. Умаров кун тартибидаги ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар бўйича сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил «22» декабрдаги №323 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йилда «Қўқонспирт» ОАЖнинг яқка тартибидаги ижроия органи бошқарув ижро этувчи органига ўзгартирилганлиги ва улар 7 кишидан иборатлигини йиғилганларга эслатиб ўтди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ коллегиял ижро органига сайланган номзодлар ҳар йили қайта сайланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтди. Жамиятда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, қилинаётган ишларни ҳисобга олиб жамият бошқарув раиси лавозимига Х.А.Самигов номзодини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш таклифини киритди.

Шунингдек, А.С.Умаров кун тартибидаги ўн учинчи масалага ўтиб, «Қўқонспирт» очик акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2014 йил 29 апрелда бўлиб ўтган мажлисида Коллегиял ижро этувчи органига сайланадиган номзодлар кўриб чиқилганлигини билдириб, Акциядорлар умумий йиғилишида қўйидаги номзодларни тасдиқлаш таклифини киритди:

Бошқарув раиси	– Самигов Хабибулла Абдуллаевич.
Бошқарув аъзолари:	
Жамият бош муҳандиси	– Юлдашев Юсували,
Бошқарув раисининг коммерция ишлари бўйича ўринбосари	– Қорабоев Олимжон Хақимжонович,
Бошқарув раисининг умумий ишлари бўйича ўринбосари	– Мамараимов Рустам Юсупханович,
Жамият бош ҳисобчиси	– Зайнетдинов Мадазим Зийнатович,
Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи	– Абдурасулов Жамол Камилович,
Спирт ишлаб чиқариш бошлиғи	– Бегматов Шариф Назирович

Йиғилиш кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича сўз навбатини жамиятнинг режалаштириш бўлими бошлиғи Ж.К.Абдурасуловга берилди.

Маърузачи ўз сўзида, жамиятнинг 2014 йил давомида амалга ошириладиган ишлари ҳақида сўзлаб, 2014 йил учун мўжалланган бизнес режанининг асосий параметрлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига баён қилди.

(14 масала юзасидан Ж.К.Абдурасулов маърузаси илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича сўз навбатини яна Кузатув кенгаши раиси А.С.Умаров олди.

Маърузачи ўз сўзида йиғилиш иштирокчиларини жамият 2013 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятида юқори кўрсаткичлар билан тугатилганлиги муносабати билан табриклаб, «Қўқонспирт» ОАЖ 2013 йил молиявий-хўжалик фаолиятини юксак ижобий кўрсаткичлар билан яқунлашга катта ҳиссасини қўшган Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда жамият ижро органи аъзоларини жамиятнинг ички низомларига асосан 2013 йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан 4 фоиз миқдорида рағбатлантириш таклифини киритди.

Йиғилиш кун тартибидаги ўн олтинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи масалалар бўйича сўз навбати жамият «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» бошлиғи З.Ф.Акбаровга берилди.

3.Акбаров сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда рўйхатга олинган «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 1473-сонли Низомининг 7-чи бандига асосан жамият соф фойдаси кейинги икки молия йилида 50,0 (эллик) млн. сўмдан юқорини ташкил этса, соф фойдани тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган холда амалга оширилиши кўрсатилганлигини, шунга асосан жамиятимиз Давлат томонидан тайинланган ишончли бошқарувчиси Ф.У.Давруковга мурожаат этганлигини, Ф.У.Давруков ўз навбатида Молия вазирлигига мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2014 йил 24 апрелдаги №20 сонли кўрсатма олганлигини баён қилди.

3.Акбаров «Кўқонспирт» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2014 йил 29 апрелда бўлиб ўтган йиғилиш қарорини, ундан олдин ўн бешинчи масала юзасидан сўзга чиққан маърузачининг таклифини, ҳамда акциялар ҳисобини инобатга олиб, 2013 йил якуни бўйича Жамиятимиз молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган жами 8 538 021 208,09 (саккиз миллиард беш юз ўттиз саккиз миллион йигирма бир минг икки юз саккиз сўм тўққиз тийин) соф фойдани кўйидагича тақсимлаш

- | | |
|---|-------------------------|
| - Резер фондига - (5,0 %) | - 426 901 060,40 сўм. |
| - Капитализация йўли билан устав фондни оширишга - (71,17 %) | - 6 076 615 200,00 сўм. |
| - Дивидендга -(20,05 %) | - 1 711 579 948,00 сўм. |
| 1 та акция учун | - 169,00 сўм. |
| - Кузатув кенгаши ва коллегиял ижро органи аъзоларини рағбатлантиришга - (3,78 %) | - 322 924 999,69 сўм. |

таклифини киритди.

Бунинг натижасида жамиятнинг устав фонди номинал киймати 2 660 сўмдан 10 127 692 дона эгаси ёзилган оддий акциядан иборат 26 939 660 720 сўмни ташкил этади.

Кун тартибидаги ўн еттинчи ва ўн саккизинчи масалалар ўзвий боғлиқ бўлганлигини сабабли, 3.Ф.Акбаров «Кўқонспирт» очик акциядорлик жамияти номи Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг янги тахририятидаги талабларига биноан «Кўқонспирт» акциядорлик жамияти номига ўзгартирилиши лозимлиги тўғрисида, ҳамда жамиятимиз Устав фонди оширилаётганлиги ва жамиятимиз номи ўзгартирилаётганлигини инобатга олиб, жамият Уставига ва ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳамда янги тахрирда тасдиқланишини билдирди. Сўз давомида Уставга ва ички низомларга киритилган ўзгартиришлар матнини йиғилиш иштирокчиларига тўлиқ ўқиб эшиттирди.

(3.Акбаровнинг кун тартибидаги 16,17,18 масалалари бўйича маърузаси, ҳамда жамият Уставига ва ички низомларга киритилаётган ўзгартиришлар матни илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги ўн тўққизинчи ва йигирманчи масала бўйича сўз навбати «Кўқонспирт» ОАЖ корпоратив бошқариш бўйича маслаҳатчиси Фарғона шаҳар «Ишонч LTD» МЧЖ директори Қорабоев Одилжонга берилди.

Маърузачи ўз сўзида «Кўқонспирт» очик акциядорлик жамияти номи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг янги тахририятидаги талабларига биноан ўзгартирилаётганлиги сабабли 2013 йил 06 августдаги идентификацион рақами

RU105P0306T6 «Кўконспирт» очик акциядорлик жамияти эмиссия рисолаши матнига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозимлигини айтиб, йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Устав фонди оширишга қарор қабул қилингандан сўнг, Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 август куни 2000-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қоидаларга асосан жамият томонидан янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисолашини тасдиқлаш зарурлиги ва қоидаларга асосан жамият акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига тегишли ҳужжатларни тақдим этиши зарурлиги агар ўз вақтида тақдим этилмаса, Маъмурий кодексга асосан мансабдорлар шахсларга тегишли чоралар кўрилиши белгиланган.

Хозирда жамият устав фондини капитализация йўли билан оширишда биринчи навбатда жамият уставини тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш ва бошқа зарурий ҳужжатларни тайёрлашни тақозо этади. Шу сабабли янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисолашини тасдиқлаш масаласини кузатув кенгашига бериш тўғри бўлиши, жамият уставида бу ваколат борлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги сўнги йигирма биринчи масала бўйича жамият «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» етакчи мутахассиси Пирматова Мукамалхон сўз олиб, амалдаги қонунчиликка асосан акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри 3 йил давомида ҳисобланган дивидендларни талаб қилиб олмаса, жамият ушбу дивидендларни умумий йиғилиш қарорига асосан ўз ихтиёрида қолдириш ваколатига эга эканлигини йиғилиш иштирокчиларига билдириб ўтди.

Шу сабабли жамият балансида шу кунга қадар 2010 йил якунлари бўйича 21 (йигирма битта) акциядорга ҳисобланган жами 122 007,00 сўм дивидендлар мавжудлигини, ушбу дивидендлар акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўрлари томонидан белгиланган тартибда 3 йилдан бери талаб қилиб олинмаганлигини билдириб, ушбу дивидендларни жамият соф фойдасига олиш таклифини киритди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан маърузалар тинглангандан сўнг йиғилиш бошловчиси З.Акбаров акциядорларга мурожаат этиб, овоз бериш бюллетенларини тўғри тўлдириш бўйича тегишли тушунтиришларни бериб ўтди.

Йиғилиш бошловчиси тушунтириш бериб ўтгандан сўнг, акциядорлар бюллетенлари орқали ёпиқ овоз беришга ўтдилар, йиғилиш раиси санок комиссиясидан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқишларини сўради ва 15 дақиқа таннафус эълон қилинди.

Санок комиссияси овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиққандан сўнг, санок комиссияси раиси Д.Х.Юсупова йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги масалалар юзасидан санок комиссияси баённомасини ўқиб эшиттирди:

1. 2013 йил якунига бағишланган «Кўконспирт» ОАЖ Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш Регламентини тасдиқлаш;

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланган (овоз бериш бюллетенига киритилмаган)

2. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш;

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланган (овоз бериш бюллетенига киритилмаган)

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2013 йилда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

4. Жамият бошқаруви раисининг 2013 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

5. Жамиятнинг 2013 йил учун тасдиқланган бизнес режасини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

6. 2013 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини ҳамда соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

7. 2013 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

8. 2013 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

9. Кузатув кенгаши аъзолари таркибини қайта сайлаш ва уларга бадал тўлаш сметасини тасдиқлаш.

1) Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун:

1. Джафарова Зухра Насировна:

Овозлар – 9 942 911; 100,0 % овоз билан тасдиқланди.

2. Прошурина Юлия Анатольевна:

Овозлар – 9 942 911; 100,0 % овоз билан тасдиқланди.

3. Умаров Абдукарим Суратович:

Овозлар – 9 942 911; 100,0 % овоз билан тасдиқланди.

4. Маматкулов Шодиёр Абдувоҳидович:

Овозлар – 9 940 865; 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

5. Абдуллаев Шавкат Турушович:

Овозлар – 7 583; 0,07 % овоз туплади.

6. Сатаров Тулкин Абдихалилович:

Овозлар – 9 940 595; 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

7. Юсупходжаев Асил Агзамович:

Овозлар – 9 937 768; 99,94 % овоз билан тасдиқланди.

8. Ортиқов Зухриддин Шарофиддинович:

Овозлар – 2 371; 0,02 % овоз тўплади.

Давруков Фахриддин Умарович – «Кўконспирт» очик акциядорлик жамиятининг чет эл инвесторларига сотиш учун белгиланган давлат улушидаги 47 фоиз акциялар бўйича ишончли бошқарувчиси этиб тайинланганлиги сабабли, Кузатув кенгаши таркибига Давлатнинг ишончли вакили сифатида сайловсиз тайинланди;

II) Кузатув кенгаши раисига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов бадали сметаси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

10. Тафтиш комиссия аъзолари таркибини қайта сайлаш ва уларга ҳақ тўлаш сметасини тасдиқлаш.

I) Тафтиш комиссияси таркибига қайта сайлаш:

1. Холлиева Дилафруз Арслановна:

Тарафдорлар – 9 942 670 овоз, Қаршилар – 241 овоз, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.

2. Фармонов Бахтиёр Баходирович:

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100,0 % овоз билан тасдиқланди.

3. Курбоналиев Санжар Сабриддинович:

Тарафдорлар – 13 508 овоз, Қаршилар – 9 927 239 овоз, Бетарафлар – 2 164 овоз
йиғилишда қатнашган 0,13 % овоз тўплади ва тасдиқланишдан ўтмади.

4. Умаров Сарвар Хайдарович:

Тарафдорлар – 9 940 820 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 091 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

II) Тафтиш комиссияси аъзоларига 2014 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметаси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 9 940 887 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 2 024 овоз
йиғилишда қатнашган 99,98 % овоз билан тасдиқланди.

11. Жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун жамият Аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.

1. "Income Audit" МЧЖ:

Тарафдорлар – 3 252 овоз, Қаршилар – 9 939 079 овоз, Бетарафлар – 580 овоз
йиғилишда қатнашган 0,03 % овоз туплади ва тасдиқланишдан ўтмади.

2. "Консаудитинформ" МЧЖ

Тарафдорлар – 9 937 605 овоз, Қаршилар – 2 894 овоз, Бетарафлар – 2 412 овоз
йиғилишда қатнашган 99,95 % овоз билан тасдиқланди.

II) Ташқи аудитор учун 30,0 млн сўм хизмат ҳақи сметаси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 9 937 605 овоз, Қаршилар – 2 894 овоз, Бетарафлар – 2 412 овоз
йиғилишда қатнашган 99,95 % овоз билан тасдиқланди.

12. Жамият бошқаруви раиси номзодини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

13. Жамият ижро органи аъзолари таркибини тасдиқлаш ва улар билан меҳнат шартномасини тузиш.

Ижро органи таркибига сайланиш учун:

1.Юлдашев Юсували – бош инженер.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

2.Қорабоев Олимжон Хакимжонович – бошқарув раиси ўринбосари.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

3.Мамараимов Рустам Юсупханович - бошқарув раиси ўринбосари.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

4.Зайнетдинов Мадазим Зинатович – бош ҳисобчи.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

5.Абдурасулов Жамол Камирович – режа ва иқтисод бўлими бошлиғи.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

6.Бегматов Шариф Назирович – спирт ишлаб чиқариш бошлиғи.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

14. Жамиятнинг 2014 йил учун жамият бизнес-режасини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

15. Жамият кузатув кенгаши ва ижро органи аъзоларини 2013 йил якуни бўйича рағбатлантириш.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

16. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қолдирилган қисмларини жамият уставига капитализация қилиш, жамият устав фондиди ошириш.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

17. Жамиятнинг Устави, ҳамда ички низомларини ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш.

Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

18. «Акциядорлик жамиятлари ва Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига асосан жамият номини ўзгартириш.
Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

19. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

20. Янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

21. Акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган 2010 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
Тарафдорлар – 9 942 911 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. 2013 йил якунига бағишланган «Қўқонспирт» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш Регламенти тасдиқлансин.

2. Санок комиссияси таркиби ва аъзолари тасдиқлансин.

3. Жамият кузатув кенгашининг 2013 йил якуни бўйича ҳисоботи, ҳамда ҳисобот йили давомида қабул қилган қарорлари тасдиқлансин.

4. «Қўқонспирт» ОАЖ бошқаруви раисининг 2013 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ва унинг фаолияти қониқарли деб топилсин.

5. Жамиятнинг 2013 йил учун тасдиқланган бизнес режасини бажарилиши бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

6.1. «Қўқонспирт» ОАЖ бош ҳисобчисининг 2013 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.

6.2. «Қўқонспирт» ОАЖнинг 2013 йил якуни бўйича олган **8 538 021 208,09** сўм соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

- ❖ - Резерв фондига - (5,00%) – **426 901 060,40** сўм.
- ❖ - Дивидендлар тўлашга - (20,05%) – **1 711 579 948,00** сўм
ёки 1 дона акция учун **169,00** сўм
- ❖ - Капитализация йўли билан устав фондини

- | | | |
|--|------------|-------------------------|
| оширишга | - (71,17%) | – 6 076 615 200,00 сўм. |
| ❖ - Кузатув кенгаши ва коллегиял ижро органи аъзоларини рағбатлантиришга | - (3,78%) | – 322 924 999,69 сўм. |

6.3. Дивидендларни тўлаб бериш муддати 19.06.2014 йилдан 04.08.2014 йилгача этиб белгилансин.

7. 2013 йил якуни бўйича жамият ташки аудиторининг хулосаси тасдиқлансин.

8. 2013 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

9.1. Кузатув кенгаши янги таркибига қўйидаги номзодлар тасдиқлансин:
Ф.У.Давруков, З.Н.Джафарова, Ю.А.Прошурина, А.С.Умаров, Ш.А.Маматкулов, Т.А.Саттаров ва А.А.Юсупходжаев.

9.2. Кузатув кенгаши раисига ҳисобот йилнинг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йилнинг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов бадали сметаси тасдиқлансин.

10.1. Тафтиш комиссия аъзоларига қўйидаги номзодлар сайлансин – Д.А.Холлиева, Б.Б.Фармонов ва С.Х.Умаров.

10.2. Тафтиш комиссияси аъзоларига 2014 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметаси тасдиқлансин.

11. Жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун Тошкент шаҳар «**Консаудитинформ**» агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин, ҳамда унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори **30,0 (ўттиз) млн. сўм** миқдорида белгилансин.

12. Жамият бошқарув раиси лавозимига Х.А.Самигов номзоди тасдиқлансин ва у билан меҳнат шарномаси тузилсин.

13.1. Жамият бошқарув ижро органи қўйидаги таркибда тасдиқлансин:
Бошқарув раиси: - Х.А.Самигов,

Бошқарув аъзолари: - Бош муҳандис	- Ю.Юлдашев,
- Бошқарув раиси ўринбосари	- О.Х.Қорабоев
- Бошқарув раиси ўринбосари	- Р.Ю.Мамараимов
- Бош ҳисобчи	- М.З.Зайнетдинов
- Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи	- Ж.К.Абдурасулов
- Спирт ишлаб чиқариш бошлиғи	- Ш.Н.Бегматов

13.2. Коллегиял бошқарув ижро органига сайланган номзодлар билан Кузатув кенгаши томонидан меҳнат шартномалари тузилсин.

14. Жамиятнинг 2014 йил учун ишлаб чиқилган жамият бизнес режаси тасдиқлансин.

15. «Кўконспирт» ОАЖ Кузатув кенгаши ҳамда ижро органи аъзолари 2013 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан жами **322 924 999,69** сўм миқдориди тақдирлансин.

16. «Кўконспирт» ОАЖ 2013 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилаётган бир қисми **6 076 615 200,00** сўм жамият уставига капитализация қилиниб, акциялар номинал қийматини ошириш орқали, жамият устав фонди номинал қиймати **2 660** сўмдан бўлган 10 127 692 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акциядан иборат **26 939 660 720,00** сўм этиб тасдиқлансин ва акциялар тақсимоти қуйидагича белгилансин:

- 51,0% ёки **13 739 227 180** сўмлик 5 165 123 дона оддий акциялар – «Ўзспиртсаноат» АК устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши.
- 47,0% ёки **12 661 639 900** сўмлик 4 760 015 дона оддий акциялар – давлат активи.
- 2,0% ёки **538 793 640** сўмлик 202 554 дона оддий акциялар – бошқа акциядорлар ўртасида жойлаштирилган улуш.

17. «Кўконспирт» ОАЖ Устав фонди оширилаётганлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунига ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли жамият Устави, «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низоми, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низоми, «Ижро этувчи органи тўғрисида»ги Низоми, «Ички Аудит хизмати тўғрисида»ги Низоми, киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан янги таҳрирда тасдиқлансин.

18. «Кўконспирт» очиқ акциядорлик жамияти номи Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига биноан «Кўконспирт» акциядорлик жамияти номига ўзгартирилсин.

19. 2013 йилда акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқлансин.

20. Янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши ваколатига берилсин.

21. 2010 йил якунлари бўйича акциядорларга ҳисобланган, лекин акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўрлари томонидан белгиланган муддатда ва тартибда талаб қилиб олинмаган дивидендлар жамият соф фойдаси ҳисобига олинсин.



Йиғилиш котиби:

А.С. Умаров

Ж.О.Салахитдинова

Йиғилиш баёни тузилган сана – 2014 йил 14 июнь.